O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
19 OKTABR
SHANBA
№ 130 (26.989)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош котиби Кофи Аннан раҳбарлигидаги делегация 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

— Ўзбекистон БМТ ҳамда унинг барча институтлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор, — деди жумладан, Олий Мажлис раиси Эркин Халилов юксак меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. — Ўзбекистонда БМТнинг кўплаб ташкилотлари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда мазкур халқаро ташкилотда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотлар БМТнинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади. БМТнинг минтақамизга эътибори йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовордир.

— Пойтахтингиз Тошкентни кўриб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлгандан кейин қай даражада тараққий этганига гувоҳ бўлдик, — деди ушбу ташкилот Бош котиби Кофи Аннан. — Бу ўзгаришлар мамлакатингизда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганига яққол далилдир. БМТ Ўзбекистоннинг минтақада ва сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ташқи сиёсатини ва бу борада халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

Суҳбат чоғида меҳмонга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Парламентимиз фаолияти, хусусан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди. Келгусида бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

18 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Таъкидламоқ керакки, бу жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилот раҳбарининг мамлакатимизга ва умуман Марказий Осиё давлатларига илк бор қадам ранжида қилиши. Шу жиҳатдан ҳам ташрифни тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.



«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу Ўзбекистон ва умуман минтақамиздаги вазият билан яқиндан танишиш, долзарб муаммолар юзасидан бафуржа фикр алмашиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Музокара якунларига бағишланган матбуот анжуманида Ислом Каримов суҳбат очиқ ва самимий руҳда ўтганини, томонлар кўплаб масалалар юзасидан фикрлашганини маълум қилди.

— Мулоқотимиз давомида эътибор қаратилмаган масала қолмади ҳисоб, — деди Президент. — Террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизлик, Орол муаммоси, тараққиёт масалалари, Ўзбекистон — БМТ муносабатлари теран таҳлил этилди. Биз Кофи Аннанни нафақат БМТ Бош котиби сифатидаги расмий шахс, балки Нобелнинг Тинчлик мукофотига сазовор бўлган йирик сиёсат ва жамоат арбоби сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. У билан суҳбат давомида БМТ Ўзбекистон ва Марказий Осиёга оид масалалар билан жиддий шуғулланаётганига амин бўлдим.

Кофи Аннан мулоқот давомида минтақамиздаги сув заҳираларидан унумли фойдаланиш, давлат бошқаруви, инсон ҳуқуқлари каби соҳалар бўйича ҳам кенг кўламда фикр алмашилганини маълум қилди. Ўзбекистон — БМТ муносабатлари шиддат билан ривожланаётганидан мамнуниятини изҳор этиб, келгусида бу алоқалар янада ривожланишига умид билдирди.

— Ўтиш даври — мураккаб давр, — деди БМТ Бош котиби. — Марказий Осиё бўйлаб сафарим давомида минтақанинг барча мамлакатларига бориб, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш, давлат раҳбарларининг фикрларини ўрганиш имконияти туғилганидан мамнунман. Шунингдек, шонли тарихга эга бўлган Ўзбекистоннинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат этиш чоғида мамлакатингиз билан, халқингиз билан янада яқинроқ танишаман, деган умиддаман.

Матбуот анжуманида Ўзбекистоннинг БМТни ислоҳ қилиш борасидаги ташаббуслари ҳаётда қай даражада ўз аксини топаётгани борасидаги саволга жавоб берар экан Президент Ислом Каримов, БМТни ислоҳ қилишга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади.

Ташкилот ярим аср аввал тузилган. Ҳозир эса воқеълик, муаммолар, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий харитаси, умуман, вазият тамомила бошқача. БМТ уларга мослашиши, ҳар бир масалага имкон қадар самарали ечим топиш учун замонавий ёндашув йўлларини излашга шай бўлиши керак. Марказий Осиё нуқтаи назаридан олганда, гуманитар соҳадаги алоқалар, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Лекин хавфсизлик, хусусан, минтақада террор ва экстремизм таҳдиди кучайишининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик самара бермади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистонда «Толибон» ҳукмронлик қилган вақтларда толибларга нисбатан сиёсат бўйича қабул қилган резолюциялари амалда иш бермади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши розилиги билан АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалицияси қўшни юртда террорчиларнинг уяларини тугатмаганида, ҳозиргача қандай вазият юзага келишини тасаввур қилиш ҳам қийин. БМТни ислоҳ этиш борасида ҳам амалий ўзгаришлар кўринмаяпти.

Кофи Аннан инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳамкорлик мавзуига оид саволга жавоб қайтарар экан, ташкилотнинг бош вазифаларидан бири ҳам демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилгани, Ислом Каримов билан мулоқот чоғида бу масала атрофлича муҳокама этилганини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Ўзбекистонга уч кунлик расмий ташрифи доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ХУШХАБАР

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ЖАҲОН КУБОГИ ФИНАЛИДА



Кеча кечқурун газетамиз саҳифаланаётган пайтда Рустамнинг акаси Хуршид таҳририятимизга қўнғироқ қилиб шу хабарни етказди.

Дарҳақиқат, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида шоҳмот бўйича ўтказилаётган жаҳон кубоги баҳсларида қатнашаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов кувонсак, фахрлансак арзигулик муваффақиятга эришди. Дунёнинг манаман деган шоҳмот юлдузлари даврасида ўз истеъдоди ва ўктамлигини намойиш эта олган Рустам жаҳон кубоги ғолиби бўлишга муносиб эканлигини исботлади.

Маълумки, жаҳон кубоги иккинчи бор ўтказилмоқда. 2000 йилда Хитойда ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ғолиб бўлган эди. Бу гал саралаш ўйинларидан сўнг жаҳоннинг 24 нафар кучли шоҳмотчиси 4 гуруҳга бўлиниб бош соврин учун баҳс бошлашди. Рустам 3,5 очко тўплаб ўз гуруҳида биринчи натижани кўрсатди ва ярим финалга йўлланма олди. Ярим финалда эса Словения вакили Александр Белявский билан бўлган дастлабки учрашувда (Рустам қора доналарда ўйнаган) дуранг қайд этилди. Иккинчи учрашувда оқ доналарда ўйнаган ҳамюртимиз 1,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозонди.

Энди Вишванатан билан россиялик Александр Дреев ўртасидаги учрашув ғолиби ҳамюртимиз рақиби бўлади. Бу курашда Рустамжонга омад тилаймиз.



ЖАННАТ

Кўзларинг тубидан топдим мен макон,
Киприкларинг бўлди панжарасимон.
Бул ажиб жаннатга ноил бўлганнинг
Ҳаққига лабларинг ўқирди Қуръон.

Абдулла ОРИПОВ
2002 йил 12 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотлар жараёнини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов маърузасида республикада ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулот (103,0 фоиз), саноат маҳсулотлари (107,8 фоиз), қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (101,7 фоиз), чакана товар айланиши (103,6 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш (112,0 фоиз) бўйича ўсиш имконини берганлиги таъкидланди. Давлат мулкчилик улушига эга зарар кўриб ишлаётган, тўловга лаёқатсиз ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш, уларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш, акционерлаштириш ва қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилмоқда. Шунингдек, бу борада нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромадларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан яширишнинг олдини олишга оид тадбирлар ҳам амалга оширилаётир. Валюта сиёсати, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан икки томонлама муносабатлар жадал ривожланмоқда. Аҳоли жон бошига пул даромадларининг ўсиши таъминланди ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлаш дастури ва бошқа ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мажлисда соҳа тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятидан яхши фойдаланилмаётгани қайд этилди. Хорижий инвестицияга эга айрим корхоналар самарасиз фаолият юритмоқда. Корхоналарнинг айланма маблағларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бошқа мақсадларга жалб қилиш давом этмоқда. Бу ҳол Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида, айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинганидан сўнг ўз фаолиятини бошлашга боғлиқ тадбирлар асоссиз чўзилмоқда.

Ҳукумат мажлисида республика иқтисодиёти соҳалари ва ҳудудларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш аҳволи тўғрисидаги масала алоҳида кўриб чиқилди, танқидий нуқтаи назардан баҳоланди.

Мажлисда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори У.Холмуҳамедов, «Ўзбекнефтгаз» компанияси раиси Э.Саидаҳмедов, «Ўзкимёсаноат» компанияси раиси У.Ҳасанов, «Ўзбекэнерго» компанияси раиси Э.Шоисматов, халқ таълими вазири Р.Жўраев, Тошкент (Мирзақулов), Наманган (Жабборов) вилоятлари ҳокимларининг ахбороти тингланди. Таъкидландики, республикада иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжини табиий газ, ёқилғи мазути, қозон-печка ёқилғиси ва электрэнергия билан таъминлаш бўйича чоралар қабул қилинди ҳамда электрстанциялар, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқли объектларнинг асосий технологик асбоб-ускуналарини капитал ва жорий таъмирлаш амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим, тураржой-коммунал хўжалиги объектларини қишки шароитларда ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Шунингдек, айрим соҳаларга оид идоралар, ҳокимликлар ва ҳудудий комиссиялар томонидан иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланмаган. «Ўзбекнефтгаз», «Ўзнефтмаҳсулот» компаниялари, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси томонидан саноат, ижтимоий соҳалар ва аҳолини суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан таъминлаш борасидаги ишлар ниҳоясига етказилмаган. «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни, «Ўзкимёсаноат» давлат акционерлик компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимларида ёқилғи мазутларининг керакли заҳираси ташкил этилмаган.

Тураржой фондини капитал таъмирлаш Самарқанд вилоятида — 36,2 фоиз, Тошкент вилоятида — 45,4 фоиз, Наманган вилоятида — 43,5 фоиз, қозонларни капитал таъмирлаш Бухоро вилоятида — 85,0 фоиз, Наманган вилоятида — 90,3 фоизга амалга оширилган. Ижтимоий соҳа учун кўмир тайёрлаш Тошкент вилоятида — 70 фоиз, Наманган вилоятида — 81 фоиз, Самарқанд вилоятида — 68 фоиз, суюқ ёқилғи тайёрлаш Тошкент вилоятида — 36,2 фоиз, Наманган вилоятида — 75,1 фоиз, Хоразм вилоятида — 76,1 фоизга бажарилган ва жиддий оқсоқликка йўл қўйилган.

Халқ таълими тизимида мактаблар кўмир билан — 71 фоиз, суюқ ёқилғи билан — 32 фоизга таъминланган бўлса, соғлиқни сақлаш муассасаларида бу кўрсаткич 39 фоизга тенг.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид чора-тадбирларни етарли даражада амалга оширилишини таъминламаяпти. Кўпчилик уй-жой мулк эгалари ширкатлари расман фаолият юритса-да, тураржой фондини қишга тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаяпти. Аҳолининг кўрсатилган хизматлар учун кредиторлик қарздорлиги юқорилигича қолмоқда.

(Давоми 2-бетда)

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

Ўзбек халқи ўзлигини англаш йўлидаги илк қадамларидан бирини 1989 йилда қўйган эди. Ушанда она тилимизга давлат тили мақоми берилганлигини халқимиз қувонч билан кутиб олди. Эзгулик, миллий ғурур, тилга бўлган ҳурмат ўзбекни бирлаштирди. Мамлакат ҳаётида, миллат тақдирида тарихий воқеа бўлди. Ўша даврда тилимиз учун кураш мустабид тузумга қарши исён эди.

«Ўзбекистонимизда ўзбек тили давлат тили бўлиши керак! Буюк Навоийнинг ўлмас асарлари ҳаққи, Муҳаммад Бобурнинг юрт соғинчи билан дафтарга кўз ёш бўлиб томган сатрлари ҳаққи, Турди Фароғийнинг фарёди, Муқимий ва Фурқатнинг нолалари ҳаққи, Машрабнинг шаҳид қони ҳаққи, ўзбек тили давлат тили бўлмоғи керак!» Бу юрт кўксидаги нидо, Ватан ҳайқириғи, юракнинг туб-тубларида мудраб ётган уйғониш, англаш фаслининг бошланиши бўлди.

(Давоми 3-бетда)

ОФТОБДЕК БОҚИЙДИР, ОНА ТИЛИМИЗ



■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Суратларда: *(юқорида) Чирчиқ шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси Гўзал Ҳусаинова она тилидан сабоқ бермоқда; биринчи синф ўқувчилари она тили китобини қизиқиш билан ўқишмоқда.*

МАШЪАЛАМИЗ ЁРУҒ БЎЛСИН

БИР МАСАЛАГА ИККИ ПАРТИЯНИНГ ИККИ ХИЛ ҚАРАШИ. БУ ҚАРАШЛАРГА БИР ГУРУҲ ЁШЛАРНИНГ МУНОСАБАТИ

ХОЛИС ФИКР

Республикамиз бугун «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойили асосида олға қадам ташламоқда. Кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида эса давлат ўз функцияларини биринкетин нодавлат ва жамоат ташкилотларига топшира боради. Бу жараёнда демократик тамойиллар ва сиёсий институтларнинг аҳамияти катта.

Ўн бир йилдирки, ОЗОД ЮРТимизда эркин сўз айтиш, эркин фикр билдириш тобора шаклланиб бормоқда. Айниқса, матбуот эркинлиги, жамиятда кўппартиявийлик тизими бу жараённинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

Энди мавзудан четламай, асосий мақсад-муддаога ўтиб қўяқолайлик.

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 17 сентябрь сонида «Фаровонлик калити» сарлавҳаси остида ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан интервью эълон қилинди. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» дарсимизда биз ушбу интервьюни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди ва интервью 82 кишилик аудиториямизда каттагина баҳс-мунозарага сабаб бўлди.

4 октябрь куни эса «Адолат» газетасида «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» сарлавҳали «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши котиби Тўхтамурод Тошев ва «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Низомиддин Нурматов имзоси остида мақола эълон қилинди. Унда интервьюдан қониқиш ҳосил қилинмаганлиги ҳақида гап боради. Яъни., «... Партия етакчисининг газета мухбири саволларига берган айрим жавоблари, тўғриси, бизни унча қониқтирмади», — дейилади мақолада. Қизиқ, бир партия бошқа партия кўнглидаги ишни қилиши керакми? Нега қониқиши керак? Масалани бундай шаклда қўйишнинг ўзи ғалати эмасми?

Бу мақолада биз таҳлил этган интервьюдаги айрим фикрларга нисбатан кескин эътироз билдирилган. Биз (бутун курс эмас) бу мақола билан ҳам танишиб чиқдик. Фикрларимизни ўртага ташлаб, баҳс-мунозара уюштирдик. Шундан сўнг, бирор-бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, жамиятнинг онгли аъзоси сифатида, оддий талаба сифатида, чоп этилган икки мақола юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни изҳор этишга жазм этдик.

Интервьюда шундай фикрлар бор:

«Жамиятни бир стадион кўринишида тасаввур қилинг. Стадион, бу — жамият ҳаётининг «ўзгинаси» бўлиб, унда ҳамма тоифа ва ёшдаги одамлар, «спортчилар», «ишқибозлар», «томошабинлар» сифатида ўзаро ўрин алмашиб, «мусобақалашадилар». Уларнинг ҳаммаси, ҳар бир ҳолатда барча учун умуммажбурий ўйин қоидалари асосида, бир хил шароитга қўйилганлар».

«Адолат»даги мақолада шундай фикрлар бор:

«... Ахир бир бутун жамиятни стадионга муқояса қилиш мумкинми?!. Бу стадион гўё шўролар давридаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган тўс-тўполон стадионни эслатади...»

Жуда қизиқ ўхшатиш-а, тўғри эмасми?! Бу сўзнинг маъносини тушуниш учун хоҳ файласуф бўлиб ўйланг, хоҳ мантиқчи ва ҳатто спортчи бўлиб бош қотиринг, барибир тагига етолмайсиз. Етсангиз ҳам хаёлингиз бошқа ёқларга кетиб қолади. Нимадир халақит беради. Чунки ҳаётда ҳамма ҳам спортчи бўлавермайди, ҳамма ҳам партия аъзоси бўлавермайди, айтилган «стадион»га тушавермайди, сайловларда ҳам турли сабабларга кўра тўлиқ иштирок этавермайди».

Бизнинг фикримиз:

Инсоният яратилибдики, у доим турли фикрлар, қарашлар ва курашлар қуршовида яшаган.

Уруғ-қабилачилик даврида ҳам кичиккина қабила ичида турли зиддиятли фикрлар пайдо бўлган. Мисол учун: мақсад қабилани тоққа олиб чиқиш бўлса, биров у йўлдан, биров бу йўлдан боришни таклиф этган. Йўл таклиф қилаётганларнинг ҳар бири таклифини қабилага ва қабила бошлиғига тушунтиришга ҳаракат қилишган. Қабила бошлиғи қайси фикрга қавмнинг кўпроқ эргашишини ўрганиб, улар орасидан энг мақбулини танлаган.

Энди бугунги кунни олайлик. Йўл таклиф этувчи лидерларнинг энг маданий кўриниши сиёсий партиялар эмасми?

Партиялар ўз фикрлари, ғоялари, таклифлари билан ҳукуматга мурожаат этади. Ҳукумат фикрлар, таклифларнинг аҳамиятига қараб, тегишли қонунлар, қарорлар қабул қилади. Азалий кураш жараёни шу тарика давом этаверади. Агар бу партия эртага ҳукуматни эгалласа, бошқа партиялар ўз ғоялари учун курашни давом эттираверади.

Демак, сиёсий курашлар майдонининг стадионга қиёсланишида мантиқ бор. Бу ўринда стадион деганда, киши кўз ўнгида футболчи ёки югурувчи эмас, балки томонларнинг сиёсий кураши намоён бўлади. Бунинг тагига етиш учун файласуф, арбоб бўлиб ўйлаш шарт эмас, деб ўйлаймиз. Фақатгина оддий мантиқий фикр юритилса бас. Бошқаларни билмадиг-у, биз талабалар шундай ўйладик ва шундай тушундик. Қолаверса, биров ҳаётни театрга ўхшатади. «Войдод, нега ҳаётни театрга қиёслайсан», дея айюҳаннос солсак тўғри бўлардими? Бизнинг-ча, кулгили бўлади. Яна бир мулоҳаза, стадион нима ўзи? Ёмон жойми? Ахир стадионда худди ҳаётдагидек турли хил одам бўлади, мақсад учун кураш боради. Мардлик ҳам ғирромлик ҳам намоён бўлади.

Интервьюда:

«Уларни (сиёсий партияларни — муаллифлар) тузишдан асосий мақсад — демократик йўл билан, яъни эркин сайловлар орқали давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш ҳуқуқини халқнинг қўлидан олиш ва уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш. Бундай ҳуқуқни, одатда, парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фоиздан ортиғини эгаллашга эришган парламент кўпчилиги сиёсий партияси қўлга киритади. Парламентдаги депутатлик ўринларининг эллик фоиздан камроғини эгаллаган сиёсий партия эса, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини демократик асосида ташкил этишнинг ажралмас қисми ва шунинг учун ҳам идора этувчи сиёсий партия нуфузидан кам даражада эътиборли бўлмаган, сиёсий мухолифат мақомига эга бўлади. Арзимаган миқдордаги ўринларга эга бўлган бошқа сиёсий партияларга учинчи партиялар мақоми билан кифояланишга тўғри келади».

Мақолада:

«Яна шуни айтиб ўтиш керакки, интервьюда ХДПни ҳаддан ташқари улуғлаб, унинг кучига, имкониятига ортиқча баҳо бериб юборилгандек туюлади. Ҳолбуки, 600 минг атрофида аъзоси бўлган партия парламентга бўлажак сайловларда 50 фоиздан зиёд овоз олишига ҳам ишора қилинади. Бошқа партияларни камситган ҳолда уларни иккинчи, учинчи даражали партияларга ажратиш тўғрисида фикр юритилади».

Бизнинг фикримиз:

Интервьюдаги бу фикрларни, партияларнинг парламентдаги фаолиятининг бир назарий кўриниши, деб тушуниш мумкин. Бу ерда ҳеч бир партия, жумладан ХДП ҳам шахсан назарда тутилмаяпти. 2004 йилда мамлакатимизда бўладиган парламент сайловлари натижасига кўра, «Адолат» СДП ҳам, ФМДП ҳам, МТДП ҳам, шу жумладан ХДП ҳам парламент кўпчилиги партияси мақомини қўлга киритиши мумкин ёки аксинча.

Яна бир масала. Бу ерда асосан келажак ҳақида гап боряпти. Кейинги сайловларда қайси партия қанча овоз олишини вақт кўрсатади. Агар, бугунги кун хусусида гапирилганда эди, бошқача тушуниш мумкин эди.

Интервьюда:

«Савол: — Бугунги кунда сиёсий партиялар фаоллиги ончалик сезилмаётир, деган фикрларга қандай қарайсиз?

Жавоб: — Бунга ҳеч қандай эътироз билдириш мумкин эмас. Ҳатто, биз бу фикрларни эшитавериб, зада ҳам бўлиб кетдик. Хўш, биз дардимизни кимга айтайлик? Ахир, биз ҳам, бошқалардан кам бўлмаган даражада жўшқин фаолият оғушида бўлишни хоҳлаймиз-ку. Ҳамма гап шундаки, бунинг бош сабаби — фақат сиёсий партияларнинг ўзигина эмас, балки улар фаолият кўрсатиши лозим бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитда ҳамдир».

Мақолада:

«Бу фикрдан сўнг наҳотки, бизда ижтимоий-сиёсий муҳит етишмаса? — деган ўйга борасан киши. Партияларнинг фаол ҳаракат қилиши учун мамлакатимизда ҳуқуқий негиз яратилганини эслаб, одам яна енгил тортади».

Бизнинг фикримиз:

Сиёсий партияларнинг фаоллиги сезилмаётганлиги тўғрисидаги фикрни нотўғри дейиш хато бўлар, деб ўйлаймиз. Бундай дейишга асос бор. Биргина, ҳурматли Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида қилган маърузаларидаги қуйидаги сўзлар фикримизни исботлайди:

«... Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар — буни тан олиб айтишимиз керак — ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топширишга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса қўшиши лозим».

Энди жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳит масаласига келадиган бўлсак, биз буни эркин, демократик фикр, деб тушундик, кўпчиликнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти даражаси деб ўйладик. Ва бу фикр тўғри, деб ҳисоблаймиз. Фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали талаб даражасида эмаслиги сир эмас-ку.

Ва ниҳоят, охирги масала:

Интервью сўнггида бир қанча сўроқ гаплар таъкидланганки, «Адолат»чилар уларни билмаслик ва шубҳаланишга йўядилар. Аслида эса, қўйилган саволлар риторик бўлиб, уларга жавоб қайтариш шарт эмас. Бу шундоқ сезилиб турибди-ку.

Жамиятимизда сиёсий, демократик институтлар тобора шаклланиб бормоқда. Сиёсий партиялар, давлат ва жамоат уюшмалари, ҳаракатлар, бирлашмалар — барча-барчасининг мақсади битта — инсон омилини юксалтириш. Давлатимиз, ҳукуматимизнинг асосий диққат эътибори ҳам шахс эркинлиги, аҳоли фаровонлигига қаратилган. Республикамиз ўз давлат мустақиллигига аллақачон эришган. Аммо, жамиятнинг идеал даражада ривожланиши учун биргина шунинг ўзи камлик қилади. Шунинг учун ҳам мамлакат озодлигидан кейинги ҳаракатлар шахс эркинлигига қаратилди. Фақат демократик жамиятдагина шахс эркинликлари юксак даражага кўтарилиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз жамиятда кўппартиявийлик тизимини танладик.

Сиёсий партияларнинг олдида бир қатор масалалар, ўз дастуридан келиб чиқиб, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий қарашларини омма орасига ёйиш, жамият аъзоларининг турли манфаатларини қамраб олиш, сайловлар жараёнида ниҳоятда долзарб шиорларни ўртага ташлаб, имкон қадар кўп овоз тўплашга интилиш ва шунга ўхшаган бошқа вазифалар туради. Хўш, бугун Ўзбекистон жамиятида фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўз олдида турган, зиммаларига юкланган вазифаларни қай даражада адо этяптилар? Кўппартиявийлик шароитида юрт равнақи, замон тараққиёти, эл фаровонлиги сиёсий партияларнинг шу саволга қай тариқа жавоб беришларига боғлиқ эмасмикин?

Ривожланган давлатлар амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, сиёсий партиялар сайловлар воситасида марказий ёхуд жойлардаги маҳаллий ҳокимият тепасига келишга ҳаракат қиладилар. Сайловлар натижаларига қараб, ҳокимиятдаги лавозимларни тақсимлаб оладилар. Икки сайловнинг орасида бирор бир сиёсий партиянинг нуфузи ниҳоятда ортиб кетиши ёки нуфузли партия обрўсизланиши ҳоллари учраб туради. Ҳар бир партия энг кучли ғояларни ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ этишга ва ортидан катта бир оммани эргаштиришга ҳаракат қилади.

Оқибатда, сиёсий партиялар ўртасида кескин рақобат юзага келади. Бизнинг республикамизда эса бундай ҳаракатлар унчалик сезилмаётгандек.

Демократик, фуқаролик жамиятида фаолият юритаётган сиёсий партияларни машъалага ўхшатиш мумкин. («Адолат» газетасидаги мақола муаллифлари «сиёсий партияларни нега машъалага ўхшатаяпсизлар?» деб, эътироз билдирмаслар, деб умид қиламиз.) Кўппартиявийлик тизими кўп машъалалар демакдир. Улар орқасида кенг жамоатчилик, омма турибди. Қайси машъаланинг ёруғи кучли бўлса, халқ унинг нурига интилади ва ортидан эргашади. Бу — оддий, мантиқий ҳаёт қонуни.

■ **Беҳзод ШУКУРОВ, Феруза ҚУВОНОВА, Ҳусниддин БЕРДИЕВ, Фотима ҲАСАНОВА, Воҳид АҲМЕДОВ, Ёрмамат ЭГАМБЕРДИЕВ, Фахриддин ҲАЙИТОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети IV курс талабалари**

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг шу йил 17 сентябрда газетамизда эълон қилинган «Фаровонлик калити» сарлавҳали мусоҳабаси партиямиз аъзолари ва кенг жамоатчиликда муайян қизиқиш ўйғотди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Чунончи, «Адолат» газетасининг жорий йил 4 октябрь сонида «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Тўхтамурод Тошев, Сиёсий Кенгаш аъзоси Низомиддин Нурматовларнинг мазкур мусоҳабада илгари сурилган айрим фикрларга қарши «Ҳақиқат баҳсларда туғилади» номли мақоласи чоп этилди. Натижада, муштарийлар иккала партия намояндаларининг нуқтаи назарини муқояса қилиш ва масалага ўз қарашларини билдириш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон Миллий университети бир гуруҳ талабаларининг эълон қилинаётган мақоласи бунга мисолдир .

Партиямиз фаоллари, кенг жамоатчилик орасида қизиқиш уйғотган мусоҳаба ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни таҳририят мамнуният билан қабул қилади ва улар билан муштарийларни мунтазам равишда таништириб боради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республикада 2002 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ширадор озуқа (30 фоиз), силос (68,8 фоиз) кам тайёрланган. Сирдарё вилояти хўжаликлари (76,9 фоиз), Жиззах вилояти хўжаликлари (81 фоиз), Хоразм вилояти хўжаликлари (81,5 фоиз) ва Бухоро вилояти хўжаликлари (87 фоиз) озуқаларни керакли миқдорда таъминлай олмаган ва бу борадаги ишлар суръатини пасайтириб юборган.

Иқтисодиёт соҳаларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича республика комиссияси топшириқларини бажаришда йўл қўйган камчиликлари учун «Ўзкимёсаноат» ДАК раиси (Ҳасанов), Наманган вилояти ҳокими ўринбосари (Фозилов) ва Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари (Тўрабеков)га ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, Тошкент (Мирзақулов) ва Наманган (Жабборов) вилоятлари ҳокимлари саноат ва ижтимоий объектларни 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ишлар етарли даражада назорат қилинмагани ва тўғри ташкил этилмагани, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар учун қатъий огоҳлантирилди.

Иқтисодиёт соҳалари ва республика ҳокимликлари раҳбарлари эътибори 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, қозонлар, уй-жой фонди иссиқлик тармоқларини жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида ўтказиш, қаттиқ ва суюқ ёқилғи тайёрлашда қолоқликка йўл қўйилганига қаратилди. Мажлисда жорий йилнинг 1 ноябригача кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва кўзда тутилган ишлар мажмуи якунлангани тўғрисида Иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича республика комиссиясига ахборот бериш топширилди.

Мажлисда 2002 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга оширишнинг бориши юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари С.Бегалиевнинг ахбороти тингланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ва «Ўзагромашсервис» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини ўрганиш вақтида берилган топшириқларни бажариш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, пахта йиғим-терими, шоли ўрими ва 2003 йилги бошоқли дон экинлари ҳосили учун кузги-қишки агротехник тадбирларни ўтказишни тезроқ тугаллаш юзасидан мавжуд ресурс ҳамда имкониятларни сафарбар қилиш вазифаси юклатилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ **(ЎзА)**

АНЖУМАН

ОРОЛ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

Бугун Орол хусусида бўлаётган мунозараларда унинг тақдири билан боғлиқ фикрлар ғоят қуюнчаклик билан гапирилмоқда.

Куни кеча Оролни қутқариш халқаро жамғармасида Германиянинг Гёте институти ташаббуси билан ўтказилган анжуманда ҳам асосий эътибор шу муаммога қаратилди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия қўмитаси қошида ташкил этилган GEF лойиҳаси агентлигининг техник директори Усмон Бўронов меҳмонларга жамғармани қандай ва қай мақсадларни кўзлаб тузилганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

— Оролни қутқариш халқаро жамғармаси 1993 йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинганди, — деди у. — 1997 йилдан 1999 йилнинг апрелига қадар мазкур жамғармага Юртбошимизнинг ўзлари раҳбарлик қилдилар.

Ахир асрлар давомида мавжланиб ётган денгиз дунё кўз ўнгида қуриб қолса, бу бизнинг авлодлар армони бўлиб қолмайдими? Чунки ҳозирданоқ, денгиз қуриб боргани сари иқлим ва экология номутаносиблиги кишилар саломатлигига жиддий таъсир ўтказаётгани сир эмас...

Денгиз сувининг шўрланиш даражаси бугунги кунда 60 грамм-литрга кўпайди. Сув сатҳи эса 1960 йил — яъни, денгиз суви юқори нуқтага кўтарилган паллага нисбатан 22 метрга пасайди.

Анжуманда, меҳмонларга Орол денгизининг бугунги ҳолати акс эттирилган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг, Германия Федератив Республикаси Бундестаги депутатларидан бири фильмда намойиш этилган манзаралар тўғрисида ватанига қайтгач, ўз парламентида дунёнинг оғриқ муаммоларидан бири сифатида сўзлаб бериш ва бу ишда кўмаклашиш истаклари борлигини билдирди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТОШЛОҚДА ОСИЁДА ЯГОНА ТЎҚУВ ДАСТГОҲЛАРИ

Жанубий Кореянинг «ДЭУ ТЕКСТАЙЛ» корпорацияси сармоясига барпо этилган Фарғона вилоятидаги Тошлоқ тумани «ДЭУ ТЕКСТАЙЛ компани» корхонаси 1997 йилда ҳаракатга келганди.

Осиёда ягона турдаги тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган корхона асосан пахта толаси хомашёсидан йигирилган ип-калава ишлаб чиқаради ва ундан 16 хил турда хом сурп тайёрлайди. Бу маҳсулотлар эндиликда дунё бозорида ўз харидорларини топди. Деярли 99 фоиз маҳсулот турлари хорижга экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда корхона бир ойда 1300 тонна сифатли ип-калава ва 1 миллион 944 минг погонометр хом сурп ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг бунёд топиши туманда бандлик муаммолари ечимида катта аҳамият касб этди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 60 фоизини тошлоқликлар ташкил этади. Уларнинг 1730 нафари маҳаллий ёшлар — электронлаштирилган дастгоҳларда ишлай оладиган мутахассислардир.

✧✧✧

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиси Ҳаётхон Аҳмедова иш устида; моҳир тўқувчилар (чапдан) Замира Аҳмадалиева, Дилфуза Раҳмонова ва Эркиной Олимова навбатдаги иш сменасига отланишди.

■ *М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар*

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР

ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан биргаликда, боғча, мактаб, лицей, коллеж ўқитувчилари, маориф фахрийлари, ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган халқ таълими ходимлари иштирокида, «Сиз — бизнинг фахримиз!» мавзуида, маданий-маърифий тадбир ўтказдилар. ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби Д.Азизхўжаев, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари К.Рашидов жамият тараққиётида устоз-мураббийларнинг ўрни, ёшларни ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётий тажрибаларининг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Тадбир ниҳоясида ўқувчи ёшлар томонидан концерт намойиш этилди.

ХДП Марғилон шаҳар кенгаши, шаҳар ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда, подполковник Тожибой Ҳакимов хотирасига бағишланган шахмат турнирини ўтказди. Мусобақалар якунида турнир ғолиблари А.Эминов, В.Манин, Р.Пўлатов ҳамда 5 нафар кекса ва 5 нафар ёш шахматчиларга эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Зарбдор туман кенгаши томонидан ташкил этилган сиёсий клублар тизими партия аъзоларининг ижодий фаоллигини ривожлантиришнинг самарали шаклларидан бири бўлиб қолди. Уларнинг йиғилишлари, заруратга қараб, клуб аъзоларининг қизиқишларидан келиб чиқиб, ўтказилади. Шу кунларда, ХДПнинг 11 йиллиги муносабати билан, F.Ғулом номли 9-ўрта мактаб, «Лалмикор» қишлоқ фуқаролар йиғини партия аъзолари ўртасида бўлиб ўтган шундай мунозараларда мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти, унда сиёсий партияларнинг ўрни, ХДПнинг босиб ўтган йўли, мавқеи ва унинг ривожланишига оид масалалар кенг ўрин тутди.

ХДП Самарқанд вилоят кенгаши ва Нарпай туман ҳокимлиги ҳамкорлигида тумандаги 9-меҳрибонлик уйида «Болажонлар — келажагимиз ворислари» мавзуида хайрия тадбирини ўтказдилар.

Байрамона тус олган тадбирда кичкинтойлар Ватан мадҳиясини куйладилар. Сахий куз ноз-неъматларига тўла дастурхон атрофида кичкинтойлар куй-қўшиқ ва жозибали рақслар ижро этдилар. Тадбирда ХДП Самарқанд вилоят кенгаши котиби Ш. Назарбердиев ва Нарпай тумани ҳокими ўринбосари А.Раҳматовлар иштирок этиб, мураббийлар ва болаларга совғалар улашдилар.

Зарбдор туман партия кенгаши уюштирган тадбир «Бўстон» шаҳарчасидаги иқтидорли болалар лицей-интернатида бўлиб ўтди. Унда кекса журналист Абдулфайз Баротов, шифокор Сайдулла Сояқуловлар лицей-интернат жамоаси билан учрашдилар. Тадбир қатнашчиларини «Бўстон» гуруҳи ўзининг қўшиқ ва рақслари билан хушнуд этдилар.

Шу кунларда **партиямизнинг Наманган вилоятидаги кенгашлари** давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда махсус гуруҳлар тузиб, пахтакорлар ҳузурида бўлиб, концертлар, давра суҳбатлари, шоиру ёзувчилар билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

ХДП Тўрақўрғон туман кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда «Тўрақўрғон» ширкат хўжалигида бўлдилар. «Ойдин» гуруҳи санъаткорлари намойиш этган концерт дастури пахтакорларнинг кайфиятини чоғ қилди.

Чуст туман партия кенгаши ва туман маданият бўлими ўзларининг навбатдаги шундай тадбирини «Олмос» ширкат хўжалигида уюштирдилар.

Партия Наманган шаҳар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган маданий-маърифий тадбир Мингбулоқ туманида пахта тераётган талабалар ҳузурида бўлди.

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

ОФТОБДЕК БОҚИЙДИР, ОНА ТИЛИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тили озод бўлган эл эса баланд овозда оламга жар солди. 1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган бўлса, 1990 йилда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. 1991 йилда эса Ўзбекистон Мустақил давлат сифатида дунё саҳнасига чиқди. Тил эрки учун бошланган кураш, миллатни оппоқ тонгларга элтди. Бу буюк курашлар бошида турган юрт отаси жасорат билан ўзбек халқини мустақилликка олиб чиқди.

Она тилимизнинг софлиги, гўзаллиги, бойлиги учун саъй-ҳаракатлар минг йиллар давомида бизга мерос бўлиб келмоқда. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»и, Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и, Чўлпон шеърияти, Ойбекнинг «Навоий» романи, Миртемир шеърлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ижоди она тилимизнинг боқийлиги йўлидаги улкан кашфиётлардир. «Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик — мана даҳоларни бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте итальян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани — жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни адабий тил доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъат ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукаммал шаклланишга эришди». Шоир ҳақ, шунинг учун ҳам биз буюк бобомизни ўзбек адабий тилининг асосчиси деб биламиз. У тилимизнинг қудрати ва сеҳрини жаҳон миқёсида кўрсатиб берди. Алишер Навоийнинг мана бу сатрлари фикримизнинг исботи бўла олади:

Турк назмида чу мен
тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни
яққалам.

Ҳа, тил бирлиги — эл бирлиги демакдир. Шоир бутун бир мамлакатни яққалам қилиш учун қанчалар алам чекса-да, бу йўлдаги ҳаракатини сўнгги нафасигача давом эттирди. Улуғ бобомиз ҳеч қандай тилни камситмаган ҳолда, она тилимизнинг бетакрорлиги, бойлигини кўрсатиб бера олди. «Муҳокаматул луғатайн» номли асарида, туркий тилнинг ички имкониятларини, маъно рангбарангликларини очиб ташлади. Ўша даврдаги тилимиз нуфузига соя ташлайдиган кимсаларга қарши курашди. У қалами билан қилич етолмаган юртларгача етиб борди.

Она тили, онамиз сингари, Ватан каби муқаддасдир. У алла билан бутун жисмимизга сингиб кетган. У бизнинг Тириклигимиз, Буюклигимиз, Қудратимиздир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. 1995 йил 21 декабрда эса қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Унинг 1-моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир». Бутун мамлакатда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади. Бу эса мустақиллигимизнинг бош устунларидан биридир.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

ҲАЁТНИНГ БУЮК ЭҲСОНИ

Тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир.

Тил туфайли биз буюк даҳоларимиз яратган ихтиролар, кашфиётлар, бадиий асарлардан баҳраманд бўламиз.

Дунёда миллатлар сингари тиллар ҳам кўп, бироқ ҳар бир халқнинг ўз она тили борки, у ўша халқ учун муқаддас ва буюкдир.

Узоқ вақт ҳукмронлик қилган мустабид тузум туфайли она тилимиз, маънавиятимиз, озодлигимиз «кишан»лар ичида узоқ хўрланди.

Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши жуда катта маънавий ютуғимиз бўлди.

Ўтган давр ичида она тилимизнинг равнақи йўлида бир талай ишлар қилинди.

Она тилига бўлган чинакам муҳаббатни болалик пайтидан шакллантириб, йиллар оша такомиллаштириш лозим.

Ҳозир кўплаб ёшлар хорижий тилларни ўрганмоқдалар, бу яхши хислат, аммо ҳар бир инсон биринчи навбатда ўз она тилини мукаммал билмоғи керак. Чунки, дунёга келиб, илк бор эшитганимиз сеҳрли «алла» қўшиғи шу тил бағридадир.

Америкалик тилшунос олима Э.Жорден шундай ёзган эди: «Америкаликлар бир-бирлари билан учрашганларида кўпроқ об-ҳаво ва сиёсат ҳақида, японлар эса об-ҳаво ва тил ҳақида гаплашадилар».

Бу билан олима японларнинг ўз она тилларига ҳурмати ва эътибори нечоғли баланд эканлигини таъкидлаган.

■ **Шоира ҚОДИРОВА,**
I ТошДТИ ассистенти

ТАШРИФ АРАФАСИДА

ШАРҚИЙ ЕВРОПАДАГИ ҲАМКОРИМИЗ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач кўплаб хорижий давлатлар билан дипломатия муносабатларини ўрнатди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Ватанимиз мустақиллигини 1991 йилнинг 27 декабрида, биринчилар қаторида тан олган Польша Республикаси билан ҳам ана шундай муносабат шаклланганига 10 йилдан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 11-12 январь кунлари Польшага буюрган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик тараққиётига тамал тошини қўйди. Ушбу ташриф давомида Польша билан Ўзбекистон ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

Шарқий Европанинг 312 минг 683 квадрат километрини банд қилган Польша ушбу минтақа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлатдир. 1990 йилнинг январида Польша туб бозор муносабатларига ўтишни бошлади. Иқтисодий ислоҳотлар йўли сифатида танланган дастур 1989 йилнинг сентябрида ҳукумат тепасига келган Лешек Балцерович режаси номи билан мамлакат тарихига кирган.

Ислоҳотлар даврида чет эл сармоядорлари иштирокида 7 мингдан зиёд катта-кичик саноат корхонаси ишга туширилди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Польша хориждан сармоя жалб қилиш бўйича Европада биринчи ўринга чиқди.

Қирқ миллион нуфузли Польша Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ёрдамида миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишга эришди. Бундай муваффақиятда 1993 йили рўй берган сиёсий ўзгаришларнинг таъсири катта бўлди. Кўпчиликни ташкил қиладиган поляк фермерлари ва ишчилари Польша Деҳқонлар партияси (ПДП) ва Сўл демократик кучлар иттифоқини ёқлаб чиқди. Натижада мамлакат Сейми ПДП раҳбари Валдемар Павлякни Бош вазир этиб тайинлади.

460 нафар депутатдан иборат Сейм Польша парламенти — Миллий ассамблеянинг қуйи палатаси ҳисобланади. Юқори палата бўлмиш Сенатда эса 100 депутат фаолият кўрсатади. Ҳар икки палатани Польша парламентаризмининг тарихий анъаналарига кўра Маршаллар бошқаради.

1999 йилнинг 12 мартида НАТОга аъзо бўлган Польша ЕХҲТ ва БМТ доирасидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Бу борада ЕХҲТнинг Демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Варшавада жойлашгани ҳам талай имкониятлар яратиши табиий.

Гап демократик муассасалар ҳақида кетар экан, Польша ва Ўзбекистон парламентларининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари — Омбудсман идоралари ўртасидаги алоқаларга 1999 йилда асос солинганини айтиб ўтмоқ керак. 2002 йилнинг 25 февралида Тошкентда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосан бу икки идора мунтазам ўзаро таҳриба алмашиб туради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳарбий соҳада ҳам самарали кечаяпти. Бунга Ўзбекистон билан Польшанинг турли халқаро лойиҳа ва дастурлар доирасида яқин алоқа ўрнатгани, хусусан, НАТО тадбирларидаги ҳамкорлик яққол мисол бўла олади. Польша миллий мудофаа вазирининг шу йил июнь ойида юртимизга келгани мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Музокара якунида Ўзбекистон ҳамда Польша мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ҳозир «Тонг-Эсо», «Наталгўзал», «Комел», «Токра» сингари кўплаб Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётган, «Будимекс», «Полимпекс Цекоп» каби йирик фирмалар ваколатхоналари ишлаётган бўлса-да, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаяпти, деб айтиш қийин. Масалан, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати бўйича ҳамкорлик соҳасида кўпгина масалалар ўз ечимини кутиб турибди.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Польша Республикаси Президенти Александер Квасьневскийнинг мамлакатимизга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон учун Шарқий Европада ўз мавқеига эга, минерал заҳираларга бой, тошкўмир ҳамда олтингугурт экспорт қилишда дунёда етакчилик қиладиган Польша билан, Польша учун эса Марказий Осиёдаги саноат хомашёси бисёр, ислоҳотларнинг тўғри йўлини танлаган, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан ҳамкорликни янги поғонага кўтариш ҳар томонлама наф келтиришига шубҳа йўқ.

■ **Озод РАЖАБОВ,**
ЎзА шарҳловчиси

Варшава шаҳрининг кўриниши

КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Украина Олий Радаси ўзининг навбатдаги мажлисида ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан боғлиқ фактларнинг қанчалик тўғри ё нотўғрилигини аниқлаш учун 12 нафар депутатдан иборат парламент комиссиясини тузди. Шунингдек, Олий Рада парламентнинг ташқи ишлар қўмитасига комиссия ишида хорижий кузатувчилар ҳам қатнашиши лозимлигини уқтирди.

Шу кунларда Украинада АҚШ ва Буюк Британия экспертлари фаолият юритмоқда. Улар Киевнинг Ироққа «Кольчуг» дея номланган радиолокация станциясини сотган-сотмаганлигини текширишмоқда. Экспертлар гуруҳи ҳозир Черниговада, Донецкда ва Қримда иш олиб боришмоқда.

Гап шундаки, Черниговадаги ҳарбий қисмда «Кольчуг» радиолокация станцияси (РЛС)дан учтаси сақланмоқда. Донецкда эса РЛС ишлаб чиқарувчи «Топаз» заводи жойлашган. Яна бир неча «Кольчуг» эса Қримдаги ҳарбий қисмларда мавжуд. Мамлакат Мудофаа вазирлигининг маълумотларига кўра, Украинада ҳаммаси бўлиб 7 та «Кольчуг» жойлаштирилган.

ЧЕГАРАНИ БИРГА ҚЎРИҚЛАШАДИ

Россия ва Грузиянинг чегара қўшинлари икки мамлакат чегараларини ҳамкорликда қўриқлаш ҳақида ҳужжат имзоладилар. Бу ҳақда Грузия давлат чегарасини муҳофаза қилиш департаменти бошлиғи Валерий Чхеидзе Ереванда ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга ахборот берди. Унинг гапларига қараганда, Кишинёвда ўтган МДҲ саммити доирасида кўрилган масалалардан келиб чиқиб, бу ҳужжат имзоланган.

Ҳужжатда бир қанча тадбирлар комплекси, жумладан, давлат чегаралари муҳофазасини мустаҳкамлаш, ахборот алмашинуви, чегара заставаси ва постларарО алоқалар, чегаранинг бир қанча участкаларида қўшма патрулликни ташкил этиш масалалари қамраб олинган, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

РАКЕТАДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎХТАТИЛДИ

Болгария собиқ совет даврида ишлаб чиқарилган «Р-17» ракеталаридан фойдаланишни тўхтатди. Бунга сабаб яқинда рўй берган ракета билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса туфайли 4 кишининг жароҳатланиши бўлди.

Мудофаа вазирининг таъкидлашича, ушбу воқеа сабаблари аниқлангунга қадар ракетадан фойдаланиш тўхтатилади.

Болгария октябрь ойида худди шундай ракеталардан 100 тасини йўқ қилиши керак. Бу НАТОга аъзо бўлиш шартларидан биридир. Дарвоқе, Болгария ҳукумати шу йил ноябрда НАТОга аъзо бўлиб киришни мўлжаллаб турибди.

ЯНГИ ДЕКРЕТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Индонезия ҳукумати терроризмга қарши янги декрет қабул қилди. Унга кўра, эндиликда террор билан шуғулланган киши ўлимга маҳкум этилади, дейди Индонезия адлия вазири Махендра. Бундай декрет қабул қилинишига яқинда Бали оролида содир этилган террористик акт сабаб бўлди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган хабарда.

МИНАЛАРДАН ТОЗАЛАШГА КИРИШДИ

Хорватия ҳукумати Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги «Эмерком» агентлиги билан шартнома тузди. Унга кўра, агентлик мутахассислари собиқ Югославия ҳудудини ўзаро жанглар пайтида жойлаштирилган миналардан тозалайди. Шартномада кўрсатилишича, бу ишга 32 миллион доллар сарфланади ва сапёрлар ўз фаолиятини 2003 йилдан 2007 йилгача давом эттириши кўзда тутилган. Дарвоқе, бу сумма Россиянинг қарзидан чегирилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1991-1995 йиллардаги урушлар оқибатида Хорватия ҳудудида тахминан бир миллиондан ортиқ мина ер остида қолиб кетган.

ПРЕЗИДЕНТЛИК ВАКОЛАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Сешанба куни мамлакат бўйлаб ўтказилган референдумнинг дастлабки натижаларига кўра, Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг президентлик ваколати яна етти йиллик муддатга узайтириладиган бўлди. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми Саддам Ҳусайн учун овоз берган. 12 миллионлик аҳолининг деярли барчаси референдумда қатнашган.

ИСРОИЛНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш, мабодо Ироқ томонидан Исроилга қўққисдан ҳужум уюштириладиган бўлса, Исроил ўзини ўз кучи билан ҳимоя қила олиш қурбига эга эканлигини қўллаб-қувватлади.

Ўз ўрнида Исроил ҳукумати АҚШнинг Ироққа ҳужум уюштирмаслик учун барча чораларни кўришига ишонч билдирди.

ҲУКМ ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Испания олий суди коллегияси кокаин контрабандаси билан шуғулланганликда айбланаётган Россиянинг 12 нафар денгизчисини, икки нафар белорус ва бир эстонияликни 10 йил қамоқ жазосига ҳамда йирик миқдорда жарима тўлашга ҳукм қилди. Улар «Тамсааре» кемасининг экипаж аъзолари бўлиб, бу наркомафиянинг аъзолари 7 тонна кокаинни Испанияга олиб ўтишга уринишган.

Денгизчиларнинг гапларига қараганда, улар кемада бундай юк борлигидан бехабар эмиш.

КОНВЕЙЕР ВАҚТИНЧАЛИК ТЎХТАТИЛДИ

Волжск автомобиль заводининг конвейери икки ҳафтадан бери тўхтаб турибди ва бу ҳолат яна давом этади, яъни 26 октябрдан 9 ноябргача ҳам вақтинчалик тўхтатилади. Бу эса «АвтоВАЗ» маҳсулотларининг нархи ошишига олиб келиши мумкин. Негаки, автомобиль савдоси билан шуғулланувчи дилерларда автомобиль заҳирасининг камайиши оқибатида бу муаммо юзага қалқиши мумкин. Бироқ Россиянинг саноат, фан ва технология вазири Илья Клебановнинг айтишича, «АвтоВАЗ» конвейерининг вақтинчалик тўхтатилишидан мақсад фаолият даври 7 йилдан ошган хорижий автомобилларга мамлакат ҳукумати томонидан импорт пошлинаси жорий қилиниши сабабли ўз автомобиллари нархини оширишдан иборат эмас, балки айрим русумдаги автомобилларни қайта ишлаб чиқариш мақсадида вақтинчалик тўхтатилган.

«РАЗВЕДКАЧИ» ҚУЛАБ ТУШДИ

Американинг учувчисиз бошқариладиган «Desert Hawk» разведкачи самолёти Жакобабад ҳарбий базасидан кўтарилиб, Покистоннинг жанубий ҳудудига борганда қулаб тушди.

Тахминларга кўра, двигателнинг ишдан чиқиши ҳалокатга олиб келган. Яна бир тахмин илгари сурилмоқдаки, самолёт ердан ўққа тутилган бўлиши ҳам мумкин.

8 МИЛЛИОН КИТОБЛИ КУТУБХОНА

Яқинда Мисрда Александрия кутубхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур кутубхона ўзининг аввалги тарихий ўрнида, яъни бундан 2,5 минг йил аввал бунёд этилган дунёга машҳур китоб омбори — Александрия кутубхонасининг ўрнида қад ростлади. Унга эрамиздан аввалги III асрда, Птоломей даврида асос солинган.

Янги кутубхонани қуриш учун Миср 220 миллион доллар сарфлади. Унинг фондида 8 миллион дона китоб сақланиши кўзда тутилмоқда.

СОТУВДАН ҚАЙТАРИБ ОЛИНДИ

IKEA компанияси ишлаб чиқарган «Снуттиг» юмшоқ ўйинчоқларидан бир миллионга яқини савдодан қайтариб олинди. Сабаб: экспертларнинг аниқлашича, ўйинчоқлар ёш болалар учун хавф туғдириши мумкин экан. Негаки, унинг тикилган жойлари мустаҳкам эмас. Ўйинчоқларнинг ичи эса кичкина пластик шарчалар билан тўлдирилган. Уларни болалар оғзига солиб, тиқилиб қолиши мумкин.

2001 йил сентябрдан бери дунё бозорларида бир миллион дона атрофида «Снуттиг» ўйинчоқлари сотилган.

ОКЕАН БЎЙЛАБ ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚДА

Канар ороллaридаги Ла Гомер деган жойдан россиялик сайёҳ Фёдор Конюхов якка ўзи Атлантика океанидан эшкакли қайиқда сузиб ўтишга қарор қилди ва 17 октябрдан бу ишга киришди. Бунинг учун у «Уралаз» дея ном олган махсус қайиқ ясаттирган. Қайиқ барча замонавий ускуналар: қуёш батареяси, автоматик сув сочгич, координатларни аниқловчи GPS тизими, «Inmarsat-C» алоқа тизими, сунъий йўлдош орқали боғланувчи телефон ҳамда радиостанция билан жиҳозланган.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 21,28 ноябрь, 5 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбобоев қисми, 18-19 километрида жойлашган 106-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (106-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 224100,0 АҚШ доллари.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

Сведения о дополнительном выпуске акций

СП ОАО «BEKTEMIR TEMIR-BETON MAHSULOTLARI»

Основные сведения об эмитенте

1. Полное и сокращенное наименование эмитента: **Совместное предприятие Открытое акционерное общество «Bektemir temir-beton mahsulotlari».**

Отрасль: производство железобетонных изделий

2. Организационно-правовая форма эмитента: **Акционерное общество.**

3. Местонахождение и банковские реквизиты:

Полный почтовый адрес: **700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д.Останова, 8.**

Растчетный счет в банке и код банка: **р/с 20214000900151895001 код банка 00837**

4. Наименование регистрирующего органа, дата и номер государственной регистрации акционерного общества: **Министерство юстициии №003069 от 12 августа 1999 г.**

5. Уставный фонд: 105 000 000 сум.

6. Выпускаемые дополнительно ценные бумаги (их количество, вид); простые, именные, безналичные, количество.

70000 шт. на сумму 35 000 000 сум.

7. Номинал одной ценной бумаги: 500 сум

8. Способ увеличения уставного фонда: **объявленные акций, закрытое размещение среди акционеров ОАО.**

9. Дата принятия решения о выпуске (дата общего собрания) **24 июня 2002 г.**

10. Орган управления АО, принявший решение о выпуске: **Общее собрание акционеров**

11. Начало процесса распространения ценных бумаг: **Не ранее 10 дней с момента регистрации ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**

12. Окончание процесса распространения ценных бумаг: **Не позднее одного года с момента регистрации выпуска ценных бумаг в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.**

Проспект эмиссии зарегистрирован Центром по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг под №Р0083-2 от 14 октября 2002 г.

Заинтересованные лица могут ознакомиться с проспектом эмиссии, обратившись по адресу: 700033, г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Д.Останова, 8. тел: 192-98-57, 192-98-82.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ЖЕЙМС ТОМСОН – ИНГЛИЗ ШОИРИ. 1700-1748 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Ва нарсалар умумий алоқасин,
Очиб осонликла қиламиз якун:
Юборсакчи туртиб биз гар биронта гулни,
Безовта қилурмиз самодаги юлдузни.

БЕНЖАМИН ФРАНКЛИН – АМЕРИКАЛИК МУТАФАККИР, ДАВЛАТ АРБОБИ, ОЛИМ. 1706-1790 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Қонунлар сиёсатда ахлоқийликсиз нима ҳам қила олишлари мумкин?
● Фалсафадаги юксалишимиз нақадар кам!
● Агар одамлар динга эга бўла туриб шунчалик ожиз бўлсалар, улар ундан маҳрум бўлиб қолганларида нима қиладилар?
● Исога ва Сократга эргашинглар!
● Тажриба — жуда қимматбаҳо сабоқгоҳ, бироқ, агар тентаклар учун ўзга мактаб бўлмаса, нима ҳам қилиш мумкин?
● Ўзингдаги биринчи истакни тийиш, кейинчалик уларнинг барчасини қондиришга қараганда, осонроқ.
● Ўз хархашаларинг билан маслаҳатлашишдан бурун ўз ҳамёнинг билан маслаҳатлаш.
● Қўлқоп кийган мушук сичқон тутмайди.
● Ишлатиладиган калит ҳамиша ярқирайди.
● Бугунги бир кун эртанги икки кундан қимматлироқ.
● Агар сенинг кўнглингни топишларини истасанг, ўзингнинг уддангдан ўзинг чиқ.
● Ҳамма билан хушмуомала, кўпчилик билан дилкаш, айримлар билан бетакаллуф бўл.
● Ялқовлик зангга ўхшайди: у, тез-тез ишлатилиб эскирганига қараганда, тезроқ кемиради.
● Кўриш осон; олдиндан кўра билиш қийин.
● Ўзини оқлашга уста киши яна бирон-бир бошқа нарсада камдан-кам уста бўлади.
● Омилкор кўзлар, иккала қўлдан кўра, кўпроқ нарсанинг уддасидан чиқадилар.
● Ходимларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш — ҳамёнингни уларга очиқ ташлаб қўйиш демак.
● Уч маротаба кўчиш битта ёнғинга баробар.
● Барча файласуфлар — ўз панд-насиҳатларида доно ва ўз феъл-атворларида аҳмоқдирлар.
● ... Ёшим улғайгани сари ўз нуқтаи назаримни шубҳа остига олишга ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини катта эътибор билан тинглашга кўпроқ мойил бўлаётирман.
● Тентакнинг ҳиқилдоғидан бўғиб олиш — беадаблик, аммо, уни давом этишига йўл қўйиб бериш — шафқатсизликдан ўзга нарса эмас.
● Сирни уч киши сақлаши мумкин, агар улардан иккитаси бандачиликни адо этган бўлса.
● Дарёларда ва ёмон ҳукуматларда энг енгил нарсалар тепада сузиб юрадилар.
● Ҳеч бир нопок нарса чинакам хайрли бўла олмайди.
● Ўз оёғида турган деҳқон — тиз чўкиб турган асилзодадан бағоят юқори.
● Бекорчилар банд одамнинг уйига камдан-кам ташриф буюрадилар — қайнаётган хурмачага пашшалар қўнмайдилар.
● Ўз ишингни ўзинг мажбур эт; унинг сени мажбур этишини кутма.
● Тажрибалилик, — сабоқлари қимматбаҳо мактаб, аммо, бу — унда ўқиса арзийдиган, ягона сабоқгоҳдир.
● Чинакам шон-шараф, бу — ҳар қандай шароитларда ҳам кўпчилик одамлар учун фойдали ишни қилиш ахдидир.
● Завқ — нодонлик фарзанди.
● Итоаткорлик боланинг биринчи сабоғи бўлсин. Сен нимани хоҳласанг, унда унинг иккинчи сабоғи ўша бўлиши мумкин.
● Одам еган нарсаси билан эмас, балки, ҳазм қилган нарсаси билан яшайди. Бу қоида, баданга каби, ақлга нисбатан ҳам адолатлидир.
● Эркин халқлар ўз эркинликларини толмасдан ва астойдил сергаклик билан қўриқламоқлари зарур.
● Эркинликни хавфсизлик йўлида қурбон қилган на эркинликка, на хавфсизликка лойиқ эмас.
● Чидашга тоқатли нимани хоҳласа, ўшанга эришишга қодир.
● Яхши ухлашни хоҳласанг, тўшакка ўзинг билан пок виждонни ол.
● Бойлик, асосан, иккита нарсага боғлиқ: меҳнатсеварлик ва мўътадилликка, бошқача айтганда — на вақтингни, на пулингни йўқотма, ва унисидан ҳам, бунисидан ҳам жуда яхши фойдалан.
● Иштирок этмаётганлар доимо айбдор бўлиб қоладилар; иштирок этувчилар ҳамиша ўзларини оқлаш имкониятига эгалар.
●Ининг дўст бўлмаслиги мумкин, аммо, дўст — ҳамиша ининг.
● Душманнинг кичкинаси бўлмайди.
● Муҳаббатсиз никоҳ никоҳсиз муҳаббатни келтириб чиқаради.
● Мен ҳеч ким ҳақида ёмон гапирмайман, аммо, ҳар бир киши ҳақида нимаики яхши нарсаларни билсам, шуларни гапираман.
● Бузуқчилик Бойлик билан нонушта, Камбағаллик билан тушлик, Қашшоқлик билан кечки овқат қилади ва Шармандалик билан ухлайди.
● Ғазабнинг ҳамиша сабаблари бўлади, бироқ, у ҳамиша ҳам жиддий асосларга эга бўлавермайди.
● Ғазабдан бошланган нарса, уят билан тугайди.
● Одам, баъзан, пули кўп бўлганига қараганда, пули кам бўлганида сахий; эҳтимол, уни бутунлай пули йўқ экан, деб ўйламасликлари учундир...
● Одамлар овқат пиширишни ўрганганларидан бери, табиат талаб қиладиганидан кўра, икки маротаба кўп истеъмол қиладилар.
● Фарзандларингни сукут сақлашга ўргат. Сўзлашни уларнинг ўзлари ўрганиб оладилар.
● Юмшоқ қонунларга камдан-кам бўйсунадилар, бешафқатлари — камдан-кам ижро этилади.
● Савдо-сотиқ ҳали бирон-бир халқни хонавайрон қилган эмас.
● Бу дунёда фақат ўлим ва солиқлар муқаррардирлар.
● Ўз роҳатимиз учун тамадди қиламиз, бошқаларнинг роҳати учун — кийинамиз.
● Бугунги ишни эртага қўйма.
● Бўйдоқ — нотакомил мавжудот, у иккинчи ярми йўқ қайчига ўхшайди.
● Одам қурол ишлаб чиқарувчи маҳлуқдир.

ДАВИД ЮМ – ИНГЛИЗ ФАЙЛАСУФИ. 1711-1776 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

● Файласуф бўл, аммо, фалсафага берилсангда, инсонлигингча қолгин.
● Табиат қонун-қоидалардан ҳамиша кучлироқ.
● Ўз ҳақида узоқ гапирадиган кишига манманликни четлаб ўтиш қийин.
● Агар довюраклик ва иззатталаблик меҳрибонлик билан изга солиб турилмаса, улар кишидан фақат золим ёки безорини келтириб чиқарадилар.
● Маданий-маърифий миллат ўз файласуфини танлашда осон янглишиши мумкин ...
● ... Худбинлик ... адолатпарварлик қоидаларини вужудга келтиради ва у уларга риоя қилинишининг биринчи сабабидир.
● Ҳеч нима, биз, дарҳақиқат, қимматбаҳо сифатларга эга бўлганимиз чоғидаги ҳолатларда, ўз қадримизни англашга қараганда кўпроқ мақтовга лойиқ бўла олмайди.
● Ҳаётимизда ақл эмас, балки, одатлар раҳнамодир.
● Одамлар ўз табиатларини ўзгартиришга қодир эмаслар.
● Мен бир қисмнинг бошқа қисм учун, агар уларни катта масофа ажратиб турган бўлса, қоидалар яратиши билан келишиш ниятида эмасман.
● Авваламбор, менинг фалсафий таълимотим мени маҳкум этаётган умидсиз ёлғизлик мени даҳшат ва саросимага солмоқда.
● Диндорлик мўъжизаворликка иштиёқмандлик билан бирлашганида, ҳар қандай соғлом фикр барҳам топади ва одамларнинг шоҳидликлари ўзининг ҳар қандай нуфузини йўқотади.
● Биринчи маротаба ишлатилган жойда барча томонидан рад этилган ҳикоя шу ердан минг чақирим масофа нарида ишонарли ҳисобланади.
● Тўйларга тааллуқли миш-мишлардан осонроқ туғиладиган ва тезроқ тарқаладиган миш-мишлар йўқ.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

* Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба, (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

SPORT

ҒОЛИБЛАР ЭРТАГА АНИҚЛАНАДИ



«Тошкент» теннис марказида ўтаётган Осиё чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Кеча микст (аралаш жуфтлик) учрашувларида финалчилар аниқланган бўлса, эркаклар ва аёллар яккалик мусобақаларида мухлислар ярим финалчилар номини билиб олишди.

Қитъа чемпионатида қатнашаётган вакилларимиздан Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко, Олег Огородов, Оқгул Омонмуродова, Иванна Исроиловаларнинг имкониятлари юқори баҳоланганди. Бироқ, улардан Иванна Исроиловагина ярим финалга йўлланмани қўлга киритди. У қуръага кўра, иккинчи давра учрашувларидан баҳсларга қўшилганди. Ҳамюртимиз биринчи ўйинда Жанетта Холлиева(Туркманистон, 6/1, 6/4)ни, чорак финалда эса Йонг-Жа Чой(Жанубий Корея, 6/2, 6/4)ни мағлубиятга учратди. Ўн саккиз ёшли теннисчимиз Иванна бугун ярим финалда хитойлик Ван-Зе Хега қарши кортга чиқади. Ушбу учрашув ғолиби эртага чемпионатнинг биринчи ракеткачиси Акико Моригами (Япония) ва малайзиялик Чен Бей Хулар ўйинида ғалаба қозонган теннисчи билан бош соврин учун куч синашади.

Мамлакатимизнинг иккинчи ракеткачиси Вадим Куценко ҳам чорак финалга йўл олганди. Аммо бу босқичда ҳиндистонлик Роҳан Бопанна вакилимизга нисбатан тажрибали эканлигини кўрсатди — 6/4, 6/3. Шундай қилиб Вадим ярим финалга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Эркаклар баҳсининг бугун бўладиган Ен Шень Лью (Хитой-Тайпейи) — Роҳан Бопанна (Ҳиндистон), Алексей Кедрюк (Қозоғистон) — Гоичи Мотомура (Япония) учрашувларидан сўнг финалчилар аниқланади.

Микстнинг ярим финал учрашувлари қуйидагича якунланди: Суванди Суванди/Лиза Андриани (Индонезия) — Ю Минг Су/Чен Бей Ху (Малайзия) — 6/3, 6/1, Петер Хандоё/Викирашин Савондари (Индонезия) — Ен-Сун Лю/Чиа-Жунг Чуанг (Хитой-Тайпейи) — 6/3, 0/6, 7/6 (8).

✧ ✧ ✧

Суратда: ёш ва иқтидорли теннисчимиз Иванна Исроилова.

AFC U-20 CHAMPIONSHIP Qatar 2002

ҚАТАРДАГИ ЙИРИК ҒАЛАБА

Қатарда футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Унда қитъамизнинг ўн икки давлати терма жамоалари уч гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Ҳамюртларимиз Қатар, Жанубий Корея, Таиланд ёшлар терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олишган. Футболчиларимиз илк учрашувни ғалаба билан бошлашди. Таиландлик тенгдошларига қарши тўп сурган ёшларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллашди. Тўпларни Александр Гейнрих, Шавкат Саломов, Элдор Магдиев, Музаффар Холиқовлар киритишди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кеча жанубий кореяликлар билан учрашди.

Мусобақа низомига мувофиқ, ҳар бир гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўрин эгаси, шунингдек, энг яхши кўрсаткичга эришган иккита учинчи жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Чемпионат ярим финалчилари келгуси йил ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашадилар. Ғолиблар 31 октябрда маълум бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири**

— Кўтаришиб юборайликми, боғча опа?

■ А. ҲАКИМОВ чизган расм

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШБ, КГ, КВВГ, ТПП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП, и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700060, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д. Дом быта "Узбекистан, 5-этаж
Тел./факс: (+99871) 136-01-54, 133-12-84, 120-09-09.
e-mail: gamma-elektro@yandex.ru

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 91-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
29
43
5
90
70
48
45
63
11
Сони: 1
4Х5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
40006389.3

2 ТУР
34
60
46
37
30
16
78
44
72
81
59
2
52
79
24
38
Сони: 1
4Х5 ҳажмдаги гилам
Чипта рақами
20018472.2

3 ТУР
31
83
1
21
41
57
82
55
14
40
84
8
15
74
69
89
Сони: 2
Сумма: 3500000
Чипталар рақами
30008573.2
60027106.2

4 ТУР
67
77
75
49
64
53
18
19
66
6
17
54
65
36
32
35
56
85
58
25
20
68
Сони: 2
Сумма: 5000000
Чипталар рақами
20023873.1
50011217.2

5 ТУР
42
33
Сони: 2
Телевизор
Чипта рақами
10017947.2
50029388.1

6 ТУР
27
61
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
20029736.3
40016228.3
80025021.3

7 ТУР
9
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
30011750.1
40006105.2
60003759.3
90026453.1

8 ТУР
80
Сони: 7
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10019532.3
50001987.2
50005654.2
50006835.1
60010711.1
80021601.2
90002739.2

9 ТУР
86
Сони: 6
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
10004482.1
10021426.2
30004398.1
40006774.3
70019407.1
80002315.2

10 ТУР
73
Сони: 9
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20027487.1
30014005.1
30017624.3
40009528.3
50019247.1
60012197.2
70026195.3
80010499.1
90012974.1

11 ТУР
50
Сони: 7
Сумма: 2000

12 ТУР
7
Сони: 9
Сумма: 1900

13 ТУР
3
Сони: 13
Сумма: 1800

14 ТУР
22
Сони: 26
Сумма: 1700

15 ТУР
13
Сони: 29
Сумма: 1600

16 ТУР
76
Сони: 49
Сумма: 1500

17 ТУР
71
Сони: 62
Сумма: 1400

18 ТУР
87
Сони: 106
Сумма: 1300

19 ТУР
12
Сони: 179
Сумма: 1200

20 ТУР
4
Сони: 193
Сумма: 1100

21 ТУР
39
Сони: 303
Сумма: 1000

22 ТУР
26
Сони: 693
Сумма: 900

23 ТУР
10
Сони: 821
Сумма: 900

Қўшимча тур
Сони: 38
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
23, 28, 47, 51, 62, 88

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 14 ноябрдаги 95-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 тур - ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
2 тур - ГАЗЕЛ автомобили
3 тур - ГАЗЕЛ автомобили
4 тур - ГАЗЕЛ автомобили
5, 6, 7 турларда - ҳар бир ютуққа ВИДЕОМАГНИТОФОН
Ва қўшимча пул ютуқлари
Диққат янгилик! ЯХШИ НИЯТнинг ЛАҲЗАЛИ ЯХШИ НИЯТи битта чиптасида иккита ўйин.
Баҳоси атиги 300 сўм

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«2002 йилнинг 8 ноябр соат 10.00 да «Farmeksim» ОАЖ акционерларининг навбатдан ташқари мажлиси бўлади.

Мажлисда кўриладиган масалалар:
1. Корхонанинг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш.
2. Корхонанинг ички фаолияти тўғрисида:
— Ижро органи тўғрисида;
— Назорат кенгаши тўғрисида;
— Акционерларнинг умумий мажлиси тўғрисида;
— республика ҳудудида ва республикадан ташқаридаги хўжалик субъектлари билан тузиладиган шартномалар тўғрисида;
— Тафтиш комиссияси тўғрисида;
— корхонанинг фирма номини ўзгартириш тўғрисида.
— акционерларнинг реестрини олиб бориш тартиби тўғрисида;

Акционерларнинг реестри 01.11.2002 й.да ёпилади.

Мажлис қатнашчилари ҳар куни соат 9.00 дан рўйхатга олинади.

Мажлис қатнашчиларида ўзи билан паспорт ёки ишонч варақаси бўлиши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, F.Мавлонов кўчаси, 37-уй. Телефон: 34-62-36.

Кун тартибида кўриладиган масалалар юзасидан юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат қилиш мумкин.

НАЗОРАТ КЕНГАШИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг масъул ходими Салоҳиддин Муҳиддиновга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 971
11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA